ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

16 июль, пайшанба 1998 йил №83 (585)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ушбу сонда:

2 БЕРУНИЙНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҒОЯЛАРИ

3 САЛОМНИНГ САЛМОҒИ ҚАНЧА?

4 БОҒИ ЭРАМ ПАРЧАСИ

Агросаноат мажмуини ривожлантиришга эътибор

Вазирлар Маҳкамаси агросаноат мажмуининг ўтган ярим йиллик якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири И.Жўрабеков бошқарди.

Йиғилишда мутасадди вазирлик, концерн, компания, ташкилот ва идоралар раҳбарларининг шу ҳақдаги ҳисоботлари тингланди. Сўзга чиққанлар мамлакатимиз Президенти қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотларни чуқурлаштириш, бутун агросаноат мажмуи ишини янгича ташкил этиш, илғор тажрибани кенгроқ қўллаш масалаларига алоҳида эътибор бераётганини таъкидладилар. Бу борада муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, қишлоқда ширкат ва фермер хўжаликлари, айниқса оила пудратини жорий этиш, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш бўйича ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам оз эмас.

Йиғилишда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникасини терим мавсумига пухта тайёрлаш, боғдорчилик ва полизчиликни тўла ижара пудратига ўтказиш, хўжаликларда тўлов интизомини яхшилаш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, терим машиналарининг эндигина 30 фоизи таъмирлангани, узумчилик ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштириладиган ерларнинг атиги эллик фоизи ижарага берилгани, оила пудратига ўтиш баъзи жойларда хўжакўрсингагина амалга оширилаётганига эътибор қаратилди.

Йиғилишда тегишли идора ва ташкилотлар мутасаддиларига мавжуд камчиликларга зудлик билан барҳам бериш, барча жабҳалардаги ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш бўйича аниқ тавсия ва кўрсатмалар берилди.

/ЎзА/

Гулистон туманидаги Халил Иззатов бошлиқ фермер хўжалигида 50 га яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Фермер хўжалиги аъзоларининг барчаси ўз ишини яхши билади.

Хўжалик аъзолари бу йил 54 гектар майдонда ғўза, 40 гектар майдонда беда ўстиришмоқда. Фермада эса 216 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Шулардан 84 таси соғин сигирлар. Сут болалар боғчаларига, сут заводига топширилмоқда.

Суратда: фермер Халил Иззатов механизатор Жўра Маматқулов билан.

Б. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат

Иқтисодиёт хабарлари

МАСХАР ЁҒИ МЎЛ БЎЛАДИ

Жиззах туманининг «Равот» наслдор йилқичилик ижара -ширкатлар бирлашмасида масхар ўсимлиги экиш йил сайин кенгайиб бормоқда. Ўтган йил ҳар гектаридан 100 килограммдан масхар дони йиғиштириб олинган бўлса, бу йилги ҳосилдорлик гектарига 7-8 центнерданни ташкил этмоқда. Экин майдони ҳам анчагина кенгайтирилиб, минг гектарга етказилди. Ерларнинг барчаси ижарачиларга бўлиб берилганлиги туфайли ҳосилдорлик мўл бўлди.

- Хўжалигимизда масхар экишни синаб кўргач, ёғ ишлаб чиқарадиган кичик корхона курдик,- дейди хўжалик раҳбари Муртазо Акбаров,- бу билан хўжалигимизда беш кишини доимий иш ўрни билан таъминлашга эришилди. Ўтган йилдан бошлаб масхар ёғини ўзимизда чиқара бошладик.

Ўтган йилнинг ўзида хўжалик биргина масхардан икки юз минг сўмлик фойда олди. Олинадиган фойда баракали бўлгач, янги қишлоқ хўжалиги экинига эътибор кучайди. Бу билан қишлоқ аҳолисини ижтимоий муҳофазалашга хўжалик имконияти кенгайиб бораяпти.

Абдуманнон АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

ТОНИ БЛЭР ТЕРРОРЧИЛАРНИ ҚОРАЛАДИ

Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Шимолий Ирландиядаги диний экстремистлар томонидан ўтказилган терроршилик ҳаракатини кескин қоралади. Кўп қаватли уйни ёқиб юбориш натижасида уч нафар ёш бола нобуд бўлган. Уч киши эса касалхонага ётқизилган.

КОСОВОДА УРУШ

Сербияга қарашли Косово ўлкасида серб хавфсизлик кучлари билан Косовони озод этиш армияси ўртасида шиддатли жанглар кетмоқда. Яқинда олинган хабарларга кўра, тўқнашувлар оқибатида иккита сербиялик полициячи ҳалок бўлган. Юзлаб маҳаллий аҳоли эса қўшни ҳудудларга қочиб кетган.

ЯНГИ РАИС САЙЛАНАДИ

Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари Бельгия пойтахти Брюсселда тўпландилар. Брюссель анжуманида Европа Иттифоқининг келгуси ярим йилликка раисини сайлаш масаласи муҳокама этилди.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯГА ЁРДАМ

Жаҳон банки Жанубий Кореяга 1998 йилнинг тўртинчи чораги учун икки миллиард доллар қарз бериши ҳақида маълум қилди. Жаҳон банки вице-президенти Северинонинг айтишича, Жанубий Кореядаги иқтисодий ислоҳотлар жадал тус олмоқда. Бу ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун қўшимча маблағлар керак.

АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ

Афғонистон Президенти Бурхониддин Раббоний Шимолий Иттифоқ вакиллари «Толибон» ҳаракати раҳбарияти билан тинчлик музокаралари олиб боришга тайёр эканликларини маълум қилди.

АВСТРАЛИЯНИНГ ХАЙРЛИ ҚАДАМИ

Австралия ядро синовларини ялпи таъқиқлаш тўғрисидаги Шартномага қўшилди. Бу ҳақда Жакартада расмий ташрифда бўлган Австралия ташқи ишлар вазири Александр Даунер расман баёнот берди. Австралия ташқи ишлар вазири Осиё-Тинч океани минтақасидаги давлатларни ҳам ушбу ҳужжатни тезроқ имзолашга чақирди.

КАМБОДЖАДА САЙЛОВ БЎЛАДИ

26 июль куни Камбоджада парламент сайловлари бўлиб ўтади. Бу воқеани кузатиб бориш учун халқаро шарҳловчилар гуруҳи ташкил этилди. Уларнинг ишини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мувофиқлаштириб туради. Гурухга 25 хорижий давлатнинг 30 дан зиёд вакиллари киради.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

Юксак ташкилотчилик — муваффақият гарови

Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари - вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этди.

Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Ғуломова йиғилишни бошқарди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятларининг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти натижалари, шунингдек, мазкур котибиятларнинг Вазирлар Маҳкамасининг «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Давлат дастури тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан жойлардаги давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда бажарган ишлари ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи котибиятининг мудири Т.Норбоеванинг маърузаси ҳамда Андижон, Қашқадарё, Хоразм, Самарқанд, Бухоро вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари - вилоятлар хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа тегишли ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Таъкидланганидек, ўтган вақт мобайнида мажмуа таркибига кирувчи ташкилотларда оила манфаатларини таъминлаш борасидаги тадбирлар дастурини ва белгиланган йўналишлар бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан муайян ишлар бажарилди.

Хусусан, эҳтиёжманд оилалар моддий жиҳатдан қўллаб қувватланди, оилани мустаҳкамлаш ишлари бир мунча кучайтирилди, ажримлар сони анча камайишига эришилди. Жойларда хотин-қизлар учун янги иш ўринлари ташкил этиш кўпайди.

Айни вақтда оила манфаатларини таъминлаш борасидаги тадбирлар дастурини ҳаётга тадбиқ этишга ҳамма жойда ҳам етарли эътибор берилмаётир. Оналар ва болаларни соғломлаштириш, хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни яхшилаш, эҳтиёжманд, кўп болали оилаларни моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш борасида ҳали кўп иш қилиниши лозим. Бу эса мутасадди раҳбарлардан юксак ташкилотчилик ва ташаббускорликни талаб этади.

/ЎзА/

Касаба уюшма ҳаёти: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатида кўрилган масалалар

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатида «Бухоро вилояти касаба уюшмалари кенгашининг нодавлат секторидаги корхоналари кенгашининг нодавлат секторидаги корхоналарда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги иши тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

АВВАЛ МУВАФФАҚИЯТЛАР ХУСУСИДА

Бухоро вилояти касаба уюшалари кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида маълум ишларни қилмоқда. Тармоқлар бўйича 13 та вилоят, 28 та туман, шаҳар қўмиталари ва кенгашлари, 9 та мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд 3475 бошланғич касаба уюшма ташкилотининг 1770 таси нодавлат секторларида тузилган. Иш режалари вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб вазифалари ҳисобга олинган ҳолда тузилмоқда. Кейинги бир йилда вилоят касаба уюшмалари кенгаши раёсатида беш марта меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш масалалари кўриб чиқилди.

Вилоят ҳокимлиги, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, вилоят касаба уюшмалари кенгаши томонидан 1997-1998 йиллар учун уч томонлама Битим тузилган. Унга мувофиқ 19320 кишига мўлжалланган янги иш жойларини яратиш кўзда тутилган бўлса, аслида 27776, шу жумладан қишлоқ жойларда 13127 янги иш ўрни ташкил этилди.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши томонидан ҳар йили жамоа шартномалари тузиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилади ва жойларга юборилади. Вилоятда йирик саноат корхоналаридан саналган «Ғиждувон пахта тозалаш» акциядорлик жамиятида оғир, зарарли меҳнат шароитида ишловчиларга устама ҳақлар, қўшимча тўловлар жорий этилган. Завод ҳузуридаги санаторий-профилакторийда ҳар йили 700 нафардан зиёд киши соғломлаштирилмоқда. «Бухоротекс», «Бухоронон», «Бухорогазсаноатқурилиш», «Бухоро ёғ-мой-экстракция заводи», «Бухоросут», «Қорақўл пахта тозалаш» корхоналари, «Сайёт», Ибн Сино номли, «Зарафшон» жамоа хўжаликлари, «Фусш» хусусий ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси, «Музаффарбек»хусусий фирмаси, «Ислом» кичик корхонаси ва бошқа жойларда жамоа шартномаси орқали меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш жуда яхши йўлга қўйилган.

ФАОЛЛИК ЎРНИГА ЛОҚАЙДЛИК

Кузатувлар, текширувлардан маълум бўлдики, нодавлат сектори корхоналарида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишнинг аҳволи талаб даражасида эмас. Иш ҳақининг ўз вақтида тўланмаслиги, иш ҳақи бўйича қарзлар ўсиб бораётганлиги энг катта муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Баъзи бир корхоналарда меҳнат қонунчилигини бузилиш ҳоллари учрамоқда. Меҳнаткашлар ҳуқуқларини поймол қилиш ҳоллари юз бермоқда. Масалан, «Баҳоев», «Эркинчилик» кичик корхоналарида меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш нотўғри расмийлаштирилган. «Хўжаи Жаҳон» хусусий фирмасининг бир гуруҳ ишчилари иш ҳақи вақтида тўланмаганлиги сабабли ишчилар норозили кайфияти юзага келган. Бунга жавобан эса иш берувчи уларни ишдан бўшатган. касаба уюшма қўмитаси эса фаоллик кўрсатиш ўрнига лоқайдлик қилган.

«Вобкент ип йигирув» ҳиссадорлик жамиятида ходимларга ўрта ҳисобда 5-10 тадан акция теккан бўлса, Акциядорлик жамияти раҳбари 125 акция, бош иқтисодчи 60 акция, бош ҳисобчи 57 акция эгаси бўлиб олишган.

Ишсизликнинг яширин шакли кенгайиши ҳоллари нодавлат секторида кўпаймоқда. Нақшбандий, Исмоил Фозилов номли акциядорлик жамиятлари ва қатор корхоналарда ходимлар иш ҳақи сақланмаган ҳолда узоқ муддатли таътилларга чиқариб юборилмоқда.

БИТИМ ВА УНИНГ ИЖРОСИ

Битим ва жамоа шартномаларининг бажарилишининг бориши ўрганилганда, ижроси таъминланаётганлиги маълум бўлди.

Масалан, «Нақшбандий», «Бухоро Тебекс» акциядорлик жамиятларида зарарли ва оғир меҳнат шароитларида банд бўлган ходимларга сут ва сут маҳсулотлари берилмаяпти. Нефть-газ мажмуи корхоналарида иш ҳақи ва йил якуни бўйича мукофот пулларини ўз вақтида тўлаш борасидаги жамоа шартномаси бандлари бажарилмаяпти.

Вилоят қурилиш ташкилотларида иш жойлари аттестацияси ўтказилмаётганлиги сабабли, ноқулай меҳнат шароитларида банд бўлган ходимларга бериладиган қўшимча таътиллар муддати белгиланмаган ва бундай таътиллар берилмаяпти. Таътилларни бериш муддатлари бузилиши ҳоллари учрамоқда. Дам олиш ва байрам кунларидаги иш учун меҳнат ҳақи тўланиши эса кўп ҳолларда Меҳнат кодексида кўрсатилганидан ҳам кам миқдорда белгиланган.

«Бухоро ипаги», «Ғиждувон пахта тозалаш» акциядорлик жамиятлари жамоа шартномалрида Меҳнат кодексининг 161-моддасига зид равишда иш ҳақи ойига бир марта режалаштирилган.

«Қорақўл пахта тозалаш» акциядорлик жамиятида эса Меҳнат кодексининг 7 ва 181-моддаларига хилоф равишда интизомий жазо тариқасида ходимни бошқа ишга ўтказиш кўзда тутилган. «Дори-дармон» давлат акциядорлик жамиятида жамоа шартномасининг кўпчилик бандлари умумий, декларатив характерга эга бўлиб, аниқ тадбирлар жуда кам.

Касаба уюшма идоралари томонидан жамоа шартномавий муносабатларни ривожлантиришга етарли эътибор берилмаяпти, деб бўлмайди. Чунки, 3475 бошланғич ташкилотларнинг 2085 тасида, шу жумладан, агросаноат мажмуида 561 бошланғич ташкилотнинг 434 тасида, шунингдек, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг 896 бошланғич ташкилотидан 117 тасида жамоа шартномалари тузилган холос.

Айтиш керакки, жамоа шартномалари тузилган корхоналарда ҳам ҳимоя жиҳатларини кучайтирадиган талабчанлик етишмайди. Жамоа шартномаларининг аксариятида жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки тўла бажармаганлик учун томонларнинг жавобгарлиги, иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини фақат касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олиб бекор қилиш мумкинлиги, иш берувчининг айби билан иш ҳақи тўланиши кечиктирилганда товон тўлаш, ходимни вақтинчалик бошқа ишга ўтказиш шартлари ва бу даврда меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари, меҳнат низолари комиссиясини тузиш талаблари, пул маблағлари ва товар-моддий қийматлар билан бевосита ишлайдиган ходимлар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузиш, ходимларни ишлаб чиқариш заруриятига кўра дам олиш, байрам кунлари, шунингдек, ишдан ташқари вақтлардаги ишларга жалб этиш ҳоллари рўйхати йўқ. Баъзи касаба уюшма қўмиталарида ходимлар шикоят ва аризаларини рўйхатга олиш дафтари ҳам тутилмаган.

Раёсатда камчиликларга нисбатан муросасиз бўлинди. Уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилди. Кўринган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Бўка туманидаги «Бахмал» ширкатлар уюшмаси жамоаси пахтадан мўл ҳосил етиштириш иштиёқида меҳнат қилмоқда. Бахтиёр Қулбозоров (суратда) бошлиқ звено 42 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан пахта олишни кўзлаган.

Шу кунларда ғўза парвариши звенода омилкорлик билан олиб борилаётир.

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Ҳурматли муштарийлар! Йилнинг иккинчи ярми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!

Касаба уюшмаси ҳаёти

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг V мажлисида меҳнаткашларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш борасида касаба уюшмаси ташкилотлари вазифалари тўғрисида атрофлича фикр юритилганди. Жойларда бу масалага эътибор қандай? Касаба уюшмаси ташкилотлари соғломлаштириш ишларини ташкил этиш борасида оқсаб қолмаяптими? Мухбиримиз Гулистон шаҳар касаба уюшмаси фаолларининг бу борада амалга ошираётган ишлари билан танишди. Уларнинг баъзи фикр-мулоҳазаларини газетхонлар эътиборига ҳавола этмоқда:

Эргаш БЎРИЕВ, Гулистон шаҳар агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси: - Халқимизда «Бўш вақт хуш вақт», дейилади. Чунки маромли меҳнатга киши танасини чиниқтирувчи спорт уйғунлашса фойдадан холи эмас. Шаҳримиздаги ҳар бир меҳнат жамоасида ана шундай муҳитни таркиб топтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Бу борада ютуқлар ҳам бор. Аммо ишларимиз камчиликлардан ҳам холи эмас. Яширишнинг нима ҳожати бор. Баъзи касаба уюшма ташкилотлари етакчиларида ташкилотчилик сезилмай қолди. Айниқса шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти фаолиятида бу нуқсон яққол кўзга ташланиб қолди. Ташкилотнинг яқинда бўлиб ўтган конференциясида бу сусткашликка етарлича баҳо берилди. Яна бир гап. Кейинги пайтларда шаҳар касаба уюшма ташкилотлари ўртасида тарқоқлик мавжудлиги ҳам сезилиб қолди. Биз ташкилот фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида кенгаш туздик.

Шаҳардаги ўндан ортиқ тармоқ касаба уюшма ташкилотлари ягона мақсад сари бирлаштирилди. Улар шаҳар ҳокимлиги билан 2000 йилгача мўлжалланган битим асосида иш олиб боришади. Тўғриси, қилинадиган ишлар жуда кўп. Шаҳримизда жаҳон андозаларига мос кўплаб спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилаётир.

Чунончи, бокс зали, теннис корти, сузиш хавзаси ва бошқалар. Бу даргоҳлар халқимиз хизматида бўлмоғи керак. Бунинг учун касаба уюшма ташкилоти катта ишлар бажариши лозим деб ўйлайман. Ҳар бир корхона, ташкилотда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор зарур.

Лекин амалда бу ўз аксини ҳамма вақт ҳам топаётгани йўқ. Спорт йўриқчиси лавозими кўп ташкилотларда турли баҳоналарни рўкач қилиб қисқартириб юборилган.

Ш.ТОЖИБОЕВ, вилоят «Электртармоқлари» корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси:- Давр касаба уюшма қўмиталари олдига ғоят маъсулиятли вазифаларни юкламоқда. Бугун бизнинг вазифамизга кирмайдиган юмушнинг ўзи йўқ. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир меҳнаткаш ташкилот ғамхўрлигини ҳис этиб турмоғи лозим. Мақтаниш эмас, бу борада сезиларли ишлар олиб бораяпмиз. Спорт ва соғломлаштиришга эътибор қаратилмоқда.

Ҳар йили нурчиларнинг вилоят биринчилиги учун спорт мусобақаларини ташкил этамиз. Бу анъанага айланиб қолди. Корхонамиз маъмурияти спорт ва соғломлаштиришга маблағни аямайди. Маблағларнинг сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатилган. Ҳар ишга рағбат кўрсатилмас экан, у ўз ҳолича қолиб кетаверади.

К.АЛМАТОВ, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси:- Халқимизда «қуруқ қошиқ оғиз йиртар» деган нақл бор. Биз спорт ва соғломлаштириш ҳақида қанча кўп гапирмайлик амалда бирор иш бўлмаса ҳаммаси бекор. Яширишдан не ҳожат. Жойларда минг-минг сўмлаб сарфлаб қурилган спорт иншоотларининг аксарияти бўш- ҳувиллаб туради.

Ишдан сўнг ёки дам олиш кунлари одамларни бу ишга навбатма-навбат жалб этиш мумкин-ку. Ана шу масала ҳақида бош қотириш зарур деб ўйлайман. Касаба уюшма ташкилотлари турли спорт ташкилотлари билан амалий ҳамкорликни таъминласа фойдадан холи бўлмасди.

Суҳбатни Н.ШАМСИЕВ ёзиб олди.

Ижтимоий ҳимоя қирралари

МЕҲНАТГА РАҒБАТ ЯРАША

Сир эмаски, иқтисодий қийинчилик туфайли кўпгина жойларда ижтимоий масалаларни ҳал этиш қийин кўчмоқда. Албатта, ижтимоий юксалиш иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ. Айни вақтда меҳнатга яраша рағбатлантиришнинг тараққиётни белгилашдаги аҳамиятини унутмаслик керак. Шу жиҳатдан Самарқанддаги «Красний двигател» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбариятининг ижтимоий масалаларни ҳал этиш тажрибаси ибратлидир. Бирлашма бош директори Бахтиёр ЭРГАШБЕКОВ билан шу хусусда суҳбатлашдик.

- Аввало ижтимоий масалалар жамоа шартномасида қай даражада ифодаланганлиги, бу борада маъмурият ўз зиммасига қандай мажбуриятлар олганлиги ҳақида тўхталсангиз?

- Маълумки, амалдаги қонунчиликда жамоа шартномаси корхонанинг меҳнат муносабатларига доир асосий меъёрий ҳужжати эканлиги белгилаб қўйилган. Қонун талабига юзаки ёндошиб бўлмайди. Шу боис жамоа шартномасини ишлаб чиқишда жиддий иш олиб борилади. Бунда меҳнаткашларнинг фикрлари, таклифларини ўрганиш анъанага айланган. Мақсад ижтимоий масалаларнинг ҳеч бирини эътибордан четда қолдирмасликдир. Ўрни келганда айтиш керакки, корхонамизда тузилган жамоа шартномасининг шакли ва мазмуни, бажарилиши энг яхшилардан бири эканлигини вилоят касаба уюшмалари кенгаши эътироф этган. Буни нокамтарликка йўймайсиз, деб ўйлайман. Маъмуриятнинг асосий бурчи жамоа шартномасида қайд этилган вазифаларни ҳал этиш, ўз мажбуриятларини бажаришдан иборат. Бунга ҳар ҳолда эришаяпмиз ва қилинган ишлар ҳақида жамоага доимий равишда ҳисобот бериб келинмоқда.

- Биринчи галда қайси масалалар ҳал этилаяпти?

- Фикримча, ижтимоий соҳада номуҳим масаланинг ўзи йўқ. Иқтисодий тўкислик ижтимоий ривожланишни бевосита белгилайди. Шу билан бирга ижтимоий фаровонлик ҳам иқтисодий тараққиётга сезиларли таъсир қилади. Бинобарин, энг аввало ишчиларнинг кайфияти кўтаринки, манфаатдорлиги талаб даражасида бўлиши зарур. Шунинг учун жуда қулай меҳнат шароитлари яратилган. Махсус иш кийимлари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли таъминланган. Барча ишлаб чиқариш бўлинмаларида ювиниш, дам олиш ва тамаддди ҳоналари, аёллар учун ораслалик ҳонаси, 6 ва 12-цехларда кичик сув ҳавзалари ҳам бор. Иш жараёнида кўп жисмоний қувват сарфланишини ҳисобга олиб, қўшимча овқатлантириш ташкил этилган. Бирлашманинг ўзида учта ишчилар ошхонаси ишлаб турибди. Жамоа аъзоларининг вақтини тежаш, уларга қулайлик яратиш ниятида корхонанинг ёнида бирлашмага қарашли савдо-маиший хизмат мажмуи фаолият кўрсатмоқда.

- Ҳар бир киши самарали ишлаши учун кайфияти яхши, бардам, саломат бўлиши керак. Соғломлаштириш ижтимоий ҳимоянинг энг муҳим қирраси ҳисобланади. Бу борада қандай имкониятлар бор ва нима қилинмоқда?

- Тўғри айтдингиз. Соғлом кишигина унумли ишлайди. Жамоа аъзоларини соғломлаштириш учун катта имкониятга эгамиз. Бирлашманинг ўз амбулаторияси, 50 ўринли профилакторияси бор. Ходимлар белгиланган муддатларда тиббий кўрикдан ўтказилиб турилади. Бу тадбир хасталикка чалинишларнинг, касб касалликларининг олдини олишда муҳим ўрин тутади. Шу туфайли касал бўлишдан иш кунини йўқотиш энг кам даражага туширилди. Бир нарсани айтишим зарур: ўтган йили ишловчи пенсионерлар ўз профилакторийимизда корхона ҳисобидан бир ой мобайнида даволанишди. 1998 йилда ишлайдиган ёш болали оналарга ва ногиронларга шундай имконият яратиб берилди. Бундан ташқари, Оҳалик тоғлари бағрида бирлашманинг дам олиш маскани бор. Шанба ва якшанба кунлари ишчиларимиз бу ерда ҳордиқ чиқаришади.

- Оила йилида бу борада алоҳида тадбирлар амалга оширилаяптими?

- Албатта. Оила йили учун мўлжалланган тадбирларда ходимларни оилавий дам олдириш ва саломатлигини тиклаш масалалари асосий ўрин эгаллайди. Тегишли имтиёзлар ҳам мавжуд. Бирлашмага қарашли 2 та болалар боғчаси бор. Бу ерда жамоа аъзоларининг 340 нафар фарзандлари тарбияланади. Боғча харажатларини бирлашма деярли тўлиқ ўз зиммасига олган. Бирлашмага қарашли болалар оромгоҳи иш бошлаганига 52 йил бўлди. Бу оромгоҳ санаторий типидадир. Ҳар йили ёзги мавсумда мингга яқин бола дам олади. Оромгоҳ Самарқанд шаҳри атрофидаги хўжаликлардан кунма-кун келтириладиган маҳсулотлар билан таъминланади. Бир болага оромгоҳда 12,5 минг сўм сарфланади. Ота-оналар эса 500 сўм тўлайди, холос. Бир ходимнинг уч фарзанди оромгоҳга борса, учинчи бола учун текин йўлланма берилади. Қисқаси, ишчиларни, уларнинг оиласини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш яхши йўлга қўйилган.

- Маданият ва спорт тадбирлари бирлашма жамоасининг ижтимоий эҳтиёжлари қаторидан ўрин олганми?

- Бирор кунни бу тадбирларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бирлашманинг маданият клуби, унинг қошида 4 та тўгарак, кутубхона доимий ишлаб турибди. Спорт мажмуида стол тенниси, биллиард, катта теннис, волейбол, футбол ва бошқа спорт машғулотлари билан шуғулланиш мумкин. Ҳар куни ишдан кейинги соатларда бу масканлар жамоа аъзолари билан гавжум бўлади. Бирлашманинг футбол, волейбол командалари турли миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб келаяпти.

- Ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида яна қандай режалар бор?

- Бу йил биз касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиб, ходимларимизнинг 1-синфга борадиган фарзандларини корхона ҳисобидан мактаб кийими, ўқув қуроллари, дарсликлар билан таъминлашга қарор қилдик. Моддий қўллаб-қувватлаш имконият даражасида узлуксиз давом эттирилаверади. Хуллас, ишлаб чиқариш барқарорлигини, ўсишини таъминлаётган жамоа аъзоларини меҳнатига яраша рағбатлантиришни кучайтраверамиз.

Суҳбатдош: Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Жиззах шаҳрида бунёд этилган «Жизентеп» қўшма корхонаси сунъий толадан гилам ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Айни кунда жамоа аҳли туркиялик ҳамкорлари билан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда.

Қўшма корхона цехларига ўрнатилган ускуналар жаҳон андозаларига жавоб беради. Бу эса ишда унум ва сифат бўлишига олиб келмоқда. Бир ойда 5 минг кв. метр гилам ишлаб чиқарилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, бир ойда харидорларга 1000 дан ортиқ турли ҳажмдаги гилам етказиб берилмоқда.

Суратда: ишчи Наргиза ҲУСАНОВА.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Иқтисодий мерос сарчашмалари

БЕРУНИЙНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҒОЯЛАРИ

Буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний (973-1048) 150 дан ортиқ асар яратган бўлиб, уларда меҳнат бойликнинг асоси эканлиги тўғрисидаги ғоя асосийдир. Унинг кўпгина фикр ва қарашлари бугунги кун учун ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Олим яшаган даврдаги муносабатлар, ишлаб чиқаришнинг юксалганлиги, савдо-сотиқнинг ривожланиши, суғориш иншоотларининг ишга туширилиши ана шу давр учун хос эди.

Шу асосда Берунийда кишилик эҳтиёжларининг пайдо бўлиши ва уни қондириш асослари, меҳнат ва ҳунарга муносабатлари уйғунлашиб кетади. Унинг фикрига кўра, кишилар ўз зарурий эҳтиёжларини қондириш учун уюшган ҳолда яшаш ва ишлашга мажбурдирлар. Эҳтиёжлар турли-туман ва кўп бўлгани учун инсонлар бирлашган ҳолда турар жой ва шаҳарлар яратишга интиладилар, деб ҳисоблайди. Шунингдек, у давлатнинг пайдо бўлишини ҳам эҳтиёж туфайли рўй беради деб ўйлаган. Энг муҳим ғоя шуки, барча қимматли нарсалар инсон меҳнати билан яратилади ва инсоннинг қадр-қиммати унинг авлод-аждодларининг ким бўлганлиги билан эмас, балки унинг меҳнати, ақлий ва жисмоний маҳорати билан белгиланади. Ҳар бир даврнинг урф-одатлари ўзига хос бўлади ва инсон аҳли уларга риоя қилмоғи даркордир, акс ҳолда низом ва бир хиллик йўқолса, тартиб ҳам йўқ бўлади, деб уқтиради буюк донишманд.

Олимнинг фикрларига таяниб шундай муҳим хулоса чиқариш мумкинки, инсон ердаги бунёдкор ва яратувчи кучдир. Инсон аввало ҳалол меҳнати билан улуғланади, кишилик жамиятининг асл ибтидоси ҳам меҳнатдандир.

Берунийнинг қайд этишича, билимларни эгалламоқ ва ҳунар ўрганмоқ учун меҳнат қилиш зарур, бу эса доим давом этадиган ва такомиллашиб борадиган жараёндир. У меҳнатни турларга ажратиб, уларнинг ҳар қайсиси алоҳида талаб ва эҳтиёжлар асосида вужудга келишини кўрсатиб берди. Бинокор, кўмир қазувчи, ҳунарманд, фан соҳиблари меҳнатини оғир меҳнат деб билади. Илм, маърифат заҳматкашлари меҳнатига таъриф бериб, илм олиш, ўқиш энг керакли меҳнат эканлигини исботлайди. Шунга кўра олимларнинг меҳнатини қадрлаш турли илмларнинг кўпайишига олиб келади. Олим жамиятнинг асосини моддий неъматлар учун бўлган ҳаракатларда, меҳнатда деб билади.

Қул, мажбурий меҳнатдан эркин кишиларнинг фаолияти ўстунлигини исботлаб берди (эркин бозор муносабатларининг асоси). Меҳнаткашларнинг хоҳиш-иродасига қарши, уларни мажбурлаб ишлатишга қарши бўлган, чунки бундай меҳнат самараси пастдир. Мерос бўлиб авлоддан авлодга ўтиб келадиган ҳунарлар юқори баҳоланган.

Беруний оғир жисмоний меҳнат қилувчилар, яъни конда ишловчилар, ер остида гавҳар қидирувчилар, деҳқонлар тўғрисида, уларга берилиши керак бўлган имтиёзлар ва иш ҳақи ҳақида «Минералогия» асарида кенг мулоҳаза юритади. Айниқса очиқ ва ер остидаги кон ишларига алоҳида эътибор берилади, ер ости конларини мустаҳкамлаш (фалокат олдини олиш учун), ер ости сувларини чиқариб ташлаш, олинган рудани юқорига олиб чиқиш учун махсус мосламалардан фойдаланиш тавсия этилади. Кон атрофида кончилар қишлоғини барпо этиш зарурлиги кўрсатилади.

Ер ости бойликларини қазиб олиш ишлари катта жисмоний меҳнат, ихтирочилик, ақлий меҳнат ва билим сарфлашни талаб этади. Бу мураккаб ва оғир ишларни бажариш махсус мактаб, уларда таълим-тарбия бериш асосида йўлга қўйилмоғи керак, дейди олим. Худди шу ўринда Беруний илм аҳиллари, олимлар, тарбиячиларнинг меҳнати жамият учун нақадар керакли ва зарурлигини алоҳида уқтиради. Беруний усталарнинг аҳволи, шогирдларнинг фаолияти, иш ҳақлари борасида ҳам қимматли ғояларни илгари суради, иш ҳақи миқдори самарадорлик билан бевосита боғланади.

Олимнинг ёзишича: «Басрада биллурдан идиштовоқ ва бошқа нарсалар ясайдилар. Иш жойига белгилаб-ўлчаб берувчи уста бўлиб, унинг олдида биллурнинг майда ва катта бўлакчалари тўпланган. У ана шулардан чиройли ва кераклисини олиб, ундан энг чиройли ва яхши буюм ясашни ўйлаб, ўлчаб белгилаб чиққан. Шундан кейин уни ясовчи ҳунармандга беради, бу биринчи уста айтганидек қилиб буюмларни ясай бошлайди». Олим шу ерда меҳнат тақсимоти ва унинг аҳамиятини кўрсатади.

Олим ва мутахассислар меҳнатини мамлакат бошқарувчилари томонидан рағбатлантириб туриш фойдали эканлиги алоҳида таъкидланади. Бу аслини олганда манфаатдорлик тамойилининг худди ўзидир. Унингча, айниқса, ерга ишлов бериб, ризқ-рўз яратувчиларга меҳрибон бўлиш кераклиги кўрсатилади. Ана шу ғамхўрлик оқибатида ерга яхши ишлов берилади ва ер ҳосилдор бўлади, моддий неъматлар яратилади, ишловчи ва жамият манфаатлари баб-баравар ҳимоя қилинади (бу фикр XVIII-асрда Адам Смит томонидан тўлароқ исботлаб берилган.) Моддий неъматлар эса тириклик асоси.

Ана шундай қилинганда ҳокимият ҳам мустаҳкам бўлади, дейди олим (бу ерда давлатнинг иқтисодиёт билан муносабати масаласи кўтарилади). Агар кишилар тўқ бўлса, давлат ҳам кучлидир. Ҳукмдорларнинг вазифаси юқори табақалар билан қуйи табақалар ўртасида ҳақиқатни, кучли билан кучсиз ўртасида тенгликни ўрнатишдан иборатдир, деб уқтиради олим. Меҳнатнинг ихтиёрийлиги, озодлиги, эркинлиги кишилар ўртасида яхши хулқ-атвор, ҳурмат-эътибор учун муҳим ва зарурдир. Бозор иқтисодиётининг энг зарур тамойилларидан бири - бу танлаш ва тадбиркорлик эркинлиги масаласи илгари сурилган.

Абдухалил РАЗЗОҚОВ, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Иқтисодий тарих» кафедраси мудири, профессор.

Сурхондарё вилояти Ангор тумани меҳнаткашлари ғалла сотиш режаларини биринчилардан бўлиб уддалашди. Бунда «Занг» деҳқон фермер уюшмаси аъзоларининг муносиб улуши бор. Уюшма эл хирмонига 700 тонна дон топшириб, режани ошириб бажарди.

Суратда: (чапдан ўнгга) механизатор Раим Абдурасулов, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Рамазон Худойбердиев ва «Занг» деҳқон-фермер уюшмаси раиси Қўлдош Гаффоров.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

ОРОМГОҲДА СПОРТ БАЙРАМИ

«Алгоритм» акциядорлик жамиятининг «Эльбрус» болалар соғломлаштириш оромгоҳида турли-туман спорт тадбирларини амалга ошириш ажойиб анъанага айланган.

Бўстонлиқ тумани ҳудудидаги тоғ ён бағрида жойлашган тармоқ касаба уюшма шаҳар қўмитаси тасарруфидаги корхона ва ташкилотларнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ўртасидаги спартакиадалар, волейбол бўйича қизлар ўртасидаги Марказий Осиё миқёсидаги халқаро турнирлар фикримизнинг далили бўлиб, спорт баҳслари ғолиблик учун курашишгина эмас, балки дўстлик, тинчлик, эзгулик сингари олижаноб ғоялар учун ҳам хизмат қилмоқда.

«Алгоритм» акциядорлик жамиятининг маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг ташаббуси билан ташкил этилган ушбу турнирнинг финал босқичи якунланиб ғолиблар аниқланди. Турнирнинг ёпилишига бағишланган тантана оромгоҳ санъаткорлари чертган доираларнинг садолари остида очилиб, миллий ҳамда замонавий рақслар, она-ватан, қувноқ болаликни мадҳ этувчи дилрабо қўшиқлардан гулдастадек тайёрланган ажойиб байрам дастурини болалар мириқиб томоша қилдилар.

Тоғ чорлайди.
Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) сурати

Оромгоҳда 1984-1985 йилларда туғилган қизлар ўртасида волейбол бўйича III халқаро мусобақаларнинг ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанани унинг ташкилотчиларидан бири «Алгоритм» акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг раиси И.Раҳимжонов қисқача кириш сўзи билан очиб, ғолибларни, мазкур турнирнинг барча иштирокчиларини қизғин табриклаб, ватанимиз спорт шарафини кўтариш, умидли спортчиларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини мамнуният билан изҳор этди.

Кескин, муросасиз бўлиб ўтган қизиқарли баҳсларда «Алгоритм» жамоаси ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасидан ўрин эгаллаб, Тошкент шаҳрининг 6-БУСМ ва Фарғона вилоят халқ таълими қошидаги БУСМ жамоалари фахрли ўринларни эгаллашга сазовор бўлдилар.

Ғолиблар, фахрли ўрин соҳиблари Ўзбекистон республикаси миллий олимпия қўмитасининг дипломлари, Ўзбекистон республикаси волейбол Федерацияси, тармоқ касаба уюшма шаҳар қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ва «Алгоритм» корхонасининг эсдалик совғалари билан ва жамоаларнинг заҳматкаш мураббийлари эса қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. «Алгоритм» волейболчи қизлар жамоасининг бош мураббийси М.Колесников ушбу халқаро шогирдларининг ғалабасидан ғоят мамнун бўлиб шундай дейди: «Мусобақада иштирок этган жамоанинг мақсади ғалаба қозонишдир. Зафар қучишга интилиш спортнинг асл моҳиятидир.

Спорт-эзгулик элчиси деб бежиз айтилмайди. Кези келганда шуни мамнуният билан айтиш керакки, М. Колесниковдан илк сабоқ олиб «Алгоритм» жамоасида ўйнаган эпчил волейболчи қизлардан бир нечтаси республика қизлар терма жамоаси сафида ватанимиз спорт шарафини ҳимоя қилмоқдалар.

Ғолибларни тақдирлашга бағишланган байрам маданий дастури якунланди.

«Болаларнинг кулгиси - келажакка ишонч» деган шиор «Эльбрус» оромгоҳи тарбиявий маданий-спорт фаолиятининг мезонига айланиб, болалар дилдан қўшиқлар, рақслар ижро этдилар.

Улуғбек ПЎЛАТОВ.

Билим юртларида

БАҚАМТИ ТАРАҚҚИЁТ - ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Марҳамат шаҳридаги Андижон мелиорация ва сув хўжалиги коллежи Фарғона водийси вилоятларини сув хўжалиги бўйича ўрта махсус маълумотли мутахассислар билан таъминлашда алоҳида мавкега эга, ташкил топганидан буён ўтган 33 йил давомида мазкур ўқув даргоҳи мамлакатимиз халқ хўжалигида 13 мингга яқин малакали мутахассислар тайёрлаб берди.

Хўш, коллежда талабаларнинг яхши билим олишлари учун қай тарика шароитлар мавжуд? Ушбу саволга лўндагина - «Кўнгилдагидек», деб жавоб бериш мумкин. Коллежда 960 талабага мўлжалланган ўқув биноси, икки корпусдан иборат ётоқхона, 300 ўринли ошхона, чойхона, муҳташам маданият саройи, мелиорация музейи, спорт мажмуи ва энг муҳими 72 гектар ер майдонига эга бўлган ўқув-ишлаб чиқариш хўжалиги мавжуд бўлиб, уларда ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари,амалий кўникмалар ҳосил қилиши ва маданий ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шароитлар яратилган.

Коллежда спорт ва маданий-маърифий ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шу боис талабалар туман, вилоят ва республика миқёсидаги турли мусобақаларда қатнашиб, юқори натижаларга эришмоқдалар.

Мазкур ўқув даргоҳида талаба ва ўқитувчиларни ижтимоий муҳофаза этишга муҳим вазифа, деб қаралади. Коллеж раҳбарияти билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига кўра, стипендия ва маошлар ўз вақтида бериб борилишига эришилмоқда. 32 нафар шароити оғир талабаларнинг стипендияларилабаларнинг назарда тутилга қўшимчалар назарда тутилган, 5 нафар ота-онасиз ва ногирон талабалар касаба уюшмаси қўмитасининг доимий оталиғига олинган. Шунингдек, мамлакатда хусусийлаштириш жараёни бошланган вақтда коллеж ўқитувчилари истиқомат қилаётган 40 хонадонли уй бепул хусусийлаштириб берилди,фахрий ўқитувчилар газ, сув ва электрдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан тўла озод қилинган. Қолаверса, улар ҳар байрамда йўқлаб турилади. Шуни айтиш жоизки,ижтимоий муҳофаза билан боғлиқ бу ишлар коллежнинг ўз ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Яна ҳам аниқроғи, ўқув-ишлаб чиқариш хўжалигида етиштирилган турли хил мева, қишлоқ хўжалик экинларидан келадиган даромад ҳамда мунтазам ўтказилувчи ички лоторея тушумлари айтиб ўтилган ҳайрли ишларнинг асосий манбаидир.

Бир сўз билан айтганда, Марҳаматдаги Андижон мелиорация ва сув хўжалиги коллежида ҳар соҳадаги ишларни бақамти олиб боришга ҳаракат қилинмоқда. Бу эса таълим-тарбияда ҳам, ижтимоий муҳофаза этиш борасида ҳам янги ютуқларга эришув учун далолатдир.

Шарифжон АҲМЕДОВ.

1998 йил — Оила йили

Одамийлик сабоқлари

САЛОМНИНГ САЛМОҒИ

Халқимиз ҳар тонгни салом билан қаршилашга одатланган. Айниқса эрта тонгда рўбарў келганга хоҳ таниш, хоҳ нотаниш бўлсин юрак устига қўлни қўйиб бир оз эгилиб «Ассалому алайкум» деймиз. Ана шу биргина каломдан руҳиятимиз енгил тортади. Кўнгиллар нурафшон бўлади. Фарзандларимизни гўдаклигидаёқ илк бора салом деган калимани тилига солишга интиламиз. Ҳадисларда Пайғамбаримиз Муҳаммад Саллоллоҳу алайҳи Васалламнинг барча мусулмонлар бир-бирларига салом бериши вожиб, алик олиши фарздур, деган каломлари баён этилган. Неча минг йиллик бу сехрли сўз ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Саломнинг ҳам ўз салмоғи бор. Зотан бугунги кунимизда саломлашувнинг турлари кўпайиб кетган бўлсада энг афзали барчага бир хил, самимий юракдан салом вожибдир. Сир эмас, баъзан кишилар кимнидир хушламаса, у саломлашувидаёқ яққол сезилиб қолади. Баъзан эса ҳақ саломга бош иғғаш билан жавоб бериш ёки қўл кўтариб қўйиш одатлари пайдо бўлганки кишининг энсаси қотади. Гоҳида эса саломингиз аликсиз қолганидан хижолат тортасиз. Бундай ҳолдан ҳеч хижолат бўлмаслик лозим. Расули акрам нақл қилибдики, салом берганингизда айримлар алик олмаса ҳеч ҳафа бўлманглар, сизларнинг саломингизга фаришталар алик олурлар. Шул боис ҳар бир киши каттами-кичикми ҳақ саломини унутмаслиги даркор.

Саломнинг фазилати, унинг қадри беқиёсдир. Доно халқимиз буни афсона-ю эртакларда ҳам зикр этиб ўтган. Масалан эртакларда Ботир қудуқ-ҳами ёки аллақандай ғоргами тушиб қолади. Шунда унга баҳайбат дев ёки аллақандай жодугар рўбарў бўлади. Ботир ҳеч иккиланмасдан «Ассалому алайкум» дейди. Шунда ўша ёвуз бирдан инсофга келади. «Ҳақ саломинг бўлмаганда икки ямлаб бир ютардим» деган сўзлар ҳаммамизга таниш. Кўриниб турибдики саломдан ўша махлуқ кўнгли ҳам юмшайди. Оқибатда у ўша ботирнинг яқин ёрдамчисига айланади. Бу-ку аслида бир эртак. Ҳаётда ҳам саломлашувнинг олий фазилати одамларни бир-бирига дўст қилиш, низо ва жанжалларни бартараф қилишга даъват этади.

Кўп ҳолларда кексалар ўтирган давраларда баъзи ёшлар ҳам қўшилиб қолади. Ҳаммани оғзига қаратиб қўйгувчи сўзамоллар ҳам кўп. Одатда кексалар анча вазмин бўлишади. Ёшларнинг ўзларини уларга тенг тутиб камтарин ва сиполикларини унутганларига ҳам эътибор қилавермайдилар. Шу ўринда Абу Лайс Самарқандийнинг ибратли бир ҳикоятини келтириб ўтиш жоиз. Зеро, бу кўпчиликка сабоқ бўлар. Буюк аллома ҳикоя қилишларича шариат оламида ҳурматли , эл орасида обрў-эътиборга эга бўлган бир одам ўғлини бир алломага шогирдликка беради. Янги келган йигитга устози панд-насиҳат қилиб ўтирмайди. Фақатгина «бир муддат менинг ёнимда бўласиз» дейди холос. Шу куни жума номозидан сўнг устоз ўзининг бир шогирди билан янги келган йигитни ҳам бирга олиб олиму-фузалолар даврасига бошлаб боради. Йиғилганлар устоз ҳурмати учун ўрнидан туришади ва бирин кетин қўл бериб сўрашади. Аввалги шогирд ҳаммага таъзим қилиб, остона олдида қолади. Янги келган, ўқимаган йигит эса устозидан қолишмай, ҳамма билан бир-бир сўрашиб чиқади ва устози ёнига ўтиради. Давра аҳли у йигитни етук фозил одам бўлса керак деб гапга тутади, турли масалалардан сўрайди. Йигит илмдан йироқ бўлгани учун жавоб беролмай хижолатдан қизариб ўтираверади. Йигитнинг бу даврага мос эмаслиги билиниб қолади. Пойгакка қолган шогирд эса бемалол ўтирарди.

Давра тарқаб кўчага чиққанларида янги келган йигит устозига таъна қилади «Устоз, мени не учун бу аҳволга солдингиз? Давра аҳли мени мулзам қилдику, деганида, устози: «Ўғлим, бу сизга илк сабоқлардан бири, саломлашиш ҳам ярим тарбия, саломалигингга қараб, одамлар сенинг маданиятингга баҳо берурлар, кичикларга аввал қўл узатиб, сизлашиб сўрашгин ўз тенгинглар билан истаганча ҳазилмутойиба билан сўрашгин. Катталар олдида эрса (одоб, тавозеъ билан) изза тингни сақла!»- деган эканлар. Қиссадан ҳисса шулки, саломлашувнинг йўл-йўриғига эътибор қилмоқ оқил кишиларнинг ишидур.

Маълумки мусулмончиликда эркакларнинг мавқеи аёлларникига қараганда бир қадар юқори ҳисобланади. Айниқса оилада, қариндош, уруғлар даврасида. Аёллар кўпдан кўп ҳолларда эркакларга биринчи бўлиб салом беришади. Бу табиий ҳол. Лекин эркаклар ҳам меҳр-шафқат юзасидан аёлларга аввалроқ салом берса одоб доирасида бўларди, деб ўйлайман. Чунки аёлларимизда тортинчоқлик бор. Бу билан ҳеч кимнинг обрўси тўкилмайди. Аксинча, меҳр туйғуси кучайган бўларди. Хуллас, ҳақ саломни унутмаган киши доимо ҳурмат,-иззатда бўлади.

Ҳожи Убайдуллоҳ ШАКАРБОЙ ўғли.
суҳбати асосида Нурилла ШАМСИЕВ тайёрлади.

Бўлажак зобитлар - Тошкент давлат техника университети талабалари артиллерия қисмида малакаларини оширмоқда. Улар ҳарбий кафедра мудири, полковник Воҳид Султонхўжаев раҳбарлигида жанговарлик фани сирсиноатларини ўрганишаётир.

Яқинда улар ҳарбий қасамёдни тантанали равишда қабул қилдилар.

Суратда: қасамёд қабул қилиш пайти.

Равшан НУРИТДИНОВ (ЎзА) суратга олган.

Бирни кўриб фикр қил...

БОЛАНГИЗДАН ҚАЙТМАСИН...

Ҳаётнинг- яратган Эгамнинг ўта мураккаб сирли қонуниятлари бор. Бу қонуниятлар олдида инсон лол. Не ажаб Аллоҳ ўз севган бандаларининг аксариятини ота-онадан имтиҳон тариқасида маҳрум этади. Жумладан пайғамбарлар, азиз авлиёлар, олиму фузалолар ҳаётини келтиришимиз мумкин: Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳам ёшлигиданоқ Аллоҳнинг биз зикр қилган, олий неъмат (ота-она)дан маҳрум этилган. Ёшлик дамларини қўятурайлик ҳатто умрларининг охирги дамларида ҳам ота-она ҳақида гап кетганида кўзларида ёш қалқирди. Шунинг учун бўлса керак, Расули акрамнинг ота-онанинг эҳтироми ҳақида ҳадиси шарифлари мавжуд: Маовия ибн Жаҳима ривоят қиладиларки, отам, Жаҳима Расули акрамнинг ҳузурларига бориб, ўзини ғазотга юборишликларини сўрабди. Шунда расули Акрам, онанг ҳаётми?-деб сўрабдилар. Жаҳима онасининг тириклигини айтганда, Расули Акрам, «Бор онангнинг хизматини қил, чунки сен истаган жаннат унинг оёғи остида»,-деб марҳамат қилган эканлар. Абдулло Ибн Амр ривоят қиладилар. Бир аёл: «Ё расулуллоҳ, мана бу менинг ўғлим: қорнимда кўтардим, қучоғимда ўстирдим, оқ сутимни бердим, ваҳоланки сут бериш менга вожиб эмас, (ҳа, исломда болани боқиш онага эмас, балки ота учун овқатлантириш, кийдириш ва тарбиялаш вожибдир) энди отаси мендан тортиб олмоқчи, деб шикоят қилди. Шунда Расули Акрам «Модомики бошқа бировга турмушга чиқмас экансан, сен ундан кўра ҳақлироқсан»,-деб марҳамат қилган эканлар. Яна айтганлар, «Хола онанинг ўрнига» яъни холага ҳам яхшилик қил, ҳурмат-иззатини жойига қўй, вақти-вақти билан ҳолидан хабар олиб тур!

Расули Акрам айтадилар: «Ким онасининг гапини тинглаб, айтганини бажарса Аллоҳ йўлида жиҳод қилгандан кўра яхшироқ, чунки онага қарашмоқ барча нарсадан афзалроқ».

Бир араб шоири шундай деган экан:
Онангнинг сенга ҳаққи бор, билгин,
Қанча илож топсанг яхшилик қилгин.
Биласанми кечалар ухламаганин,
Оғриқдан тўлғаниб оҳ-воҳ урганин.
Туғишда қанча азоб чекканин,
Ғуссалар ютиб ҳушдан кетганин.
Ахлатларинг ювиб чарчамаганин.
Бағрини сенга бешик қилганин.
Сени деб ўзини қурбон этганин,
Кўксидин сенга оқ сут берганин.
Емасдан сенга овқат тутганин,
Ёшлигингда қанчалар меҳр қўйганин.
Энди вақти келди, кибрни қўйгин,
Истаса пойига патаклар бўлгин.
Имконинг борича дуосин олгин,
Ҳаётлик даврида қадрига етгин.

Ривоятларга қараганда, Абдураҳмон Жомийнинг суюкли фарзанди Зиёуддин Юсуф бетоб бўлиб қолганида кечалари Аллоҳга шифо тилаб ухламай чиққанлиги ҳақида тарихларда битилган. Худди шундай воқеалар Бобур билан тўнғич фарзанди, Хумоюн ўртасида бўлиб ўтганлиги тарихдан маълум. Наҳот фарзанд ота-она олдида шунчалар ширин бўлса!? Ваҳоланки, Аллоҳ ўз каломида «Фарзандларингни авайлаб асранглар» деган оятга ҳали кўзим тушгани йўқ. Лекин бир муфассир: «Аллоҳ фарзандга ота-онани ҳурмат қилишга буюради, ота-онага эса уларнинг қалбларига фарзанд меҳрини жойлаштириб қўйган. Шунинг учун буюришга ҳожат қолмаган», деб зикр қилади. Шубҳасизки бир ота-онадан итоаткор ва итоатсиз фарзандлар дунёга келади. Бу ҳолат инсониятга отаси Одам алайҳиссаломдан мерос. Буни Одам Атонинг Қобил ва Ҳобил фарзандлари мисолида кўришимиз мумкин.

Аллоҳ субҳонаху ва таоло бандаларига ўзига итоат қилишга ва ўзигагина ибодат қилишликка буюради ва бу буйруқнинг изидан ота-онани ҳурмат қилишга буюради. Бу мазмундаги оятлар қуръонда кўп учрайди. Аллоҳнинг ҳар буйруғи беҳикмат эмас. Шунинг учун бўлса керак Одам отамиз фарзанди Ҳобилга Қобил билан қудавандачилик қилмаслигини васият қилади. Наҳот ота-онасини ранжитган Қобил бунчалар манфурга айланса?! Ҳатто ота-онани ранжитишлик келажак авлодга ҳам таъсир этишлигини Одам Атонинг ўғли Ҳобилга қилган васиятининг мазмунидан сезилиб турибди. Расули Акрам айтадилар: «Аллоҳ бандаларига жазо беришликка шошилмайди ва жазони охиратга кечиктиради. Лекин ота-онани ранжитган фарзанд жазосига шошилар экан. Шунинг учун ундай ноқобил фарзандга ўзидек ноқобил фарзанд ато этади ва шу бола орқали жазолайди:-деб марҳамат қилганлар. Бу ҳадиснинг нечоғлик ҳақиқат эканлигини воқеи ҳаётимизда гувоҳи бўлиб турибмиз.

Ўз фарзандларидан шикоят қилган ота-оналарни кўрганимда ёки суд залида ноқобил жигарбандининг панжара орқасидан боши ҳам ҳолда турганини кўрган ота-онани кўрганимда буюк аждодларимизнинг «Аллоҳ солиҳ фарзанд ато этсин» деган дуолари нечоғли ҳикматли эканлигига тасанно айтамиз.

Аббос АБДУЛЛАЕВ.

ОИЛА даврасида

БОЛАЛАР ТИЛИДАН

Биринчи синфда дарс борарди.

- Маша, жилпангламасдан ўтир, - дея танбеҳ берди ўқитувчи.

- Ойим бўлсалар яшашни хоҳласанг жилпанглашни ҳам ўрган,- дейдилар-ку, доим!

***

Колянинг биринчи марта қабристонга келиши эди. У узоқ айланди, қабр тошларидан ёзувларни ўқиди. Сўнгра бувисидан сўради:

- Бувижон, ёмон одамларни қаерга кўмишади?

***

- Ота, «консерватор» нима дегани?- сўради Вова!

- Консерваторияда ўқийдиганларни шундай дейишади.

***

- Ўғлим, канарейка қани?- сўради онаси.

- Билмадим, бундан бешминут олдин чангюпични унинг рўпарасига тутганимда бор эди.

***

Мактабдан қайтган ўғилдан отаси сўради:

- Хўш, бугун қандай баҳолар олдинг?

- Тўрт.

- Нега беш эмас?

- Бизда бугун фақат тўртта дарс бор эди.

***

Биринчи синф ўқитувчиси касал бўлиб қолди. Ўқитувчи у яшайдиган уйда турувчи Танянга хабар олиб келишни топширишди.

- Хўш, нима гап?- сўрашди эртасига болалар.

- Яхши эмас,- дея қовоғини уйганича жавоб қайтарди Таня.

- Қандай қилиб?

- Эртага дарсга келади.

Шахноза ҚУРБОНБОЕВА тайёрлади

УМР САБОҒИ

Тинч турмушнинг, мусаффо осмон остида яшаб, меҳнат қилишнинг қадрини ҳаммадан кўра кўпроқ уруш даҳшатларини ўз кўзи билан кўрганлар, жанггоҳларда бўлганлар билишади. Улар одамларни тинчликнинг қадрига етишга, бир-бирларига яхшилик қилишга чақирадилар. Ўзлари бошқаларга ўрнак бўладилар.

Маманосир Тошпўлатов Фарғона вилояти, Учкўприк туманининг Палахон қишлоғида туғилди, ўсди. Уруш бошланганда кўча чангитиб юрган бола эди. Қишлоқнинг ҳамма эркаклари фронтга кетиб, даладаги барча ишлар кексалару хотинларнинг зиммасида қолганди. Маманосирга тенгдош болалар ҳам катталар қаторида эрта тонгдан кеч шомгача далада меҳнат қилишарди. Маманосир ферма молларини боқарди. Аввалига тенгқурлари ичида зийрак, ҳисоб-китоб ишларини яхши билганлиги учун уни ҳисобчи қилиб қўйишди. Кейинчалик эса пахтачилик жамоасини бошқарди. Отаси урушдан олдин қазо қилиб, рўзғор тебратиш асосан унинг зиммасида эди. Кунларни баъзан оч, баъзан тўқ ўтказишарди. Уруш айни қизиган пайтда - 1943 йили онаси ҳам оламдан ўтади.

- Урушдан кейин биз анча вақт Олмониянда бўлдик,-деб ҳикоя қилади Маманосир Тошпўлатов,- Мен хизмат қилган ўқчи дивизия Олмониядан Венгриянинг Сегер шаҳригача бўлган 1200 километрлик масофани пиёда босиб ўтди.

Ҳарбий бошлиқлар ота-онам йўқлигиданми, мени шу ерда олиб қолишга кўп уринишди. Кўнмадим, ниҳоят, 1951 йили Ўзбекистонга қайтиб келдим.

Она-юрт соғинчи билан яшаган инсон учун, туғилиб ўсган тупроқ ҳидини туюшдан, яқинларининг дийдорига тўйишдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Маманосир қадрдон қишлоғига келганда ана шу нарсани ҳис қилганди. Урушдан кейинги тикланиш йилларида ўқиган, хат-саводли, иш бошқаришни биладиган кишиларга талаб катта эди. Маманосир эса ўзбек ва рус тилларини мукаммал билар, озми-кўпми техникадан хабари бор, бунинг устига соғлом бақувват эди. Шунинг учун унга иш топиш қийин бўлмади. Маманосирни ўзи яшаб турган Учкўприк тумани жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига раис қилиб ишга олишди. У туманда спорт-соғломлаштириш ишларини тиклади ва ривожлантирди. Бу ерда олти йил ишлаб, меҳнат фаолиятини Ҳамза номли давлат хўжалигида давом эттирди. Шу орада қишлоқдаги мактаб ўқитувчиси Иззатхон исмли қизга уйланди. Йиллар ўтди. Бирин-кетин фарзандлари Гулчеҳра, Васила, Иқромжонлар дунёга келишди.

Маманосир ака бир умр ҳалол яшади, одамларга яхшилик қилишни ўзига бурч деб билди. Фарзандларини ҳам шунга ўргатди. Натижада уларнинг ортида фақат яхши гап эшитди.

Шу кунларга етказгани учун яратганга шукроналар айтиб, ҳаётидан мамнун шундай дейди: «Мен нимани орзу қилган бўлсам, шу орзуимга эришдим. Ўзимни ҳеч иккиланмай бахтиёр инсон деб айта оламан. Ягона истагим шуки, урушни биз кўрдик, фарзандларимиз кўрмасин. Ҳозирги шароитда мустақил республикамизда тинчликнинг барқарорлиги ҳам бизнинг, фарзандларимизнинг бахтидир. Бунинг учун юртбошимиз Ислом Каримовдан биз кексалар миннатдормиз ва бу йўлда унинг саъй-ҳаракатларини ҳамиша қўллаб-қувватлаймиз. Тилагим, ҳар бир хонадонда, юртимизда ҳамиша тинчлик бўлсин».

Назира ҚУРБОН қизи, журналист.

Болаларингиз билан бирга ўқинг

Kimning dumi chiroyli?

(ertak)

Ko'm-ko'k o'rmonda chiroyli hayvonlar yashar ekanlar. Ular o'zlariga juda e'tibor bilan qarasharkan. Bir kuni ular kimning dumi chiroyli ekanini aniqlash uchun musobaqa uyushtirishibdi. Yuzlab hayvonlar unda ishtirok etish uchun yozilibdilar. Har bir hayvon o'zining dumini chiroyli deb o'ylar ekan. Fil musobaqani tashkil qilibdi. Musobaqa ham boshlanibdi. Birinchi bo'lib quyon chiqibdi. U tezlik bilan chopishni boshlabdi. Musobaqaning hakamlaridan bo'lgan maymun kulib debdi: - «Quyonning dumi kalta, ammo o'zi yaxshi chopog'on». Keyingi navbat kenguruga kelibdi. U to'rtta bolasi bilan chopibdi. Navbat tulkiga kelibdi. U yerda yastanib yotibdi, uzun va muloyim dumini boshiga yostiq qilib olibdi. Yostiq gam issiq ham yumshoq ekan. Fil taajjub bilan debdi: - «Qanday go'zal va yaxshi dum!»

Qaldirg'och g'ozal parvozi bilan o'zini namoyon qilibdi. Dum qanotlari bilan chiroyli uchibdi. Xohlagan yerida qanot qoqibdi. Sahro sichqonining harakati luda qiziqarli bolibdi. U uchta kichkina bolasiga debdi: - «Bolalarim meni minib olinglar». Bolalari tezlik bilan onasining yelkasiga chiqib olishibdi va o'zlarining dumlarini onasining uzun va nozik dumiga xalqa qilishibdi. Keyin olmaxon kulib musobaqaga kirib kelibdi. Bir daraxt shoxidan ikkinchiga sakrabdi. Bu ishni qilish uchun o'zining zebo va muloyim dumidan foydalanibdi. Keyin olmaxon daraxt shoxida uxlabdi va dumini o'ziga ko'rpa qilibdi. Maymun lanoblari shodu xandonlik bilan debdi: - Ofarin! Juda ajoyib tomosha bo'libdi!» Musobaqa tugashi oldidan hamma hayvonlar daryo bo'yiga kelishibdi. Chunki qizil baliq ham musobaqaning ishtirokchisi ekan-da. Baliq ham zebo harakatlari bilan hammani lol qoldiribdi.

Musobaqa tugabdi. Hamma hayvonlar maymun janoblarining atrofida to'planishibdi va kimning g'olib bo'lishini kutishibdi. Har bir hayvon o'zini g'olib deb hisoblar ekan. Oxir-oqibat maymun yo'talib debdi: - Hammaning dumi o'z egasi uchun foydalidir. Hamma dumlar chiroyli va yaxshi. Hakamlarning xulosasiga ko'ra sizlarning hammangiz bu musobaqada g'olib chiqdingiz. Hamma hayvonlar rozi bo'lishibdi. Musobaqadan keyin hamma xizmatchilik bilan uy-uyiga tarqalibdi.

Bahriddin TURG'UNOV tayyorladi.

Муштарий мулоҳаза юритади

ҚИРҒОҒИНИ ЙЎҚОТГАН КАЙКОВУС

Маълумки, сувсиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Дунёда мавжуд бўлган тирик жон борки, сув истеъмол қилиш билан тирик.

Дунёнинг асосий қисмини (дарё, денгизлар) сув ишғол қилган бўлса-да ҳамон сувсизлик туфайли баъзи жойларда қийинчиликлар мавжуд эканлигини яхши биламиз.

Шу туфайли ҳам кишилик жамияти вужудга келган вақтдан буён сувли ерларни эгаллашга, уни ободқилишга ҳаракат қилади, шу орқали ҳаётини бемалол кечириш мумкин эканлигини ўйлаб иш қиладилар. Қадимги ўтган амалдорлар, амирлар, хонлар доим сувли ерларни эгаллашга ва ўша ерларда ўз ҳукмронлигини ўтказишга ҳаракат қилган. Бунинг учун кишиларни яхши ҳаёт кечириши учун ер ва сувнинг мўл бўлишига эътибор берганлар.

Тарихий манбаларга қараганда VI асрларда ўтган Кайковус хон ўта ишбилармон бўлиб, кўл остидаги мутахассислар билан (мироблар, қурувчи усталар ва б.) маслаҳатлашиб Бенкент (ўша вақтда Тошкент шу номда бўлган) ерларини ишга солиш учун сер-сув «Бўзсув» катта анҳордан ажратиб ариқ очган экан, (уни кейинчалик халқ Кайковус ариғи деб атаганлар). Янги ариқ - Кайковус кенгайтириб ва узайтириб борилган. Ариқ охири хон даврида девор билан ўралган шаҳарнинг охири ҳисобланган Чиғатой дарвозасигача етиб борган. Ортиқча сув эса ўша ердан Жарариқ томон оқиб кетган. Ариқнинг бошидан то охиригача бўлган жойларга дастлаб ўтроқ халқлар, сўнг ортиб қолган жойларига кўчманчи-чорвадор халқлар ҳам ўй-жой, саройлар қуриб жойлашганлар. Ҳатто илм-маърифат йўлига берилган уламолар Бенкент шаҳрининг (IX асрларда) тараққий этганини эшитиб, оилалари билан шу ерга кўчиб келиб яхши ҳаёт кечирганлар.

Ниҳоят, VI-X асрлар оралиб келиб, айниқса қимматбаҳо нарсалар билан бирга ёш хотин-қизларни, ҳатто болаларни отларига ўнгариб олиб қочганлар. Шундан сўнг халқ уларга қарши ҳар хил тадбирлар қўллаб ўзларини ҳимоя қилганлар. Бунинг учун ёв келадиган томонлардаги тепалик устига тупроқ тўплаб «қўл бола» тепалик ясаганлар. Бу тепаликлар 300-400 км узоқликдан кўриниб турган. Бордию, босқинчилар босиб келаётган бўлса, тепаликка (масалан, Оқ тепага) назорат қилиб турувчилар дарров хашак, шох-шаббаларга ўт ёқиб шаҳардагиларни огоҳлантирганлар. Сўнг зудлик билан маҳалладаги аёллар ва болалар шаҳар ичкарисига жўнатилиб, эркаклар ёв йўлини тўсишга киришганлар. Бунинг учун Кайковус сида 100 га яқин маҳалалар бўлиб, кўпчилиги Кайковус ариғи атрофига жойлашган. Шулардан бири «Ёв» маҳалласи ҳақида бобомдан эшитганман. Бундан 100 йиллар аввал яшаган босқинчи қозоқ ва қирғиз қабилалари баъзан шаҳримиз атрофидаги маҳаллаларга келиб босқинчилик қилганлар. Юзлаб отларда келган босқинчилар кўпинча шаҳарнинг чекка маҳалласи ҳисобланган шу маҳаллага биринчи бўлиб салом беришади. Бу табиий ҳол. Лекин эркаклар ҳам меҳр-шафқат юзасидан аёлларга аввалроқ салом берса одоб доирасида бўларди, деб ўйлайман. Чунки аёлларимизда тортинчоқлик бор. Бу билан ҳеч кимнинг обрўси тўкилмайди. Аксинча, меҳр туйғуси кучайган бўларди. Хуллас, ҳақ саломни унутмаган киши доимо ҳурмат,-иззатда бўлади.

Ҳожи Убайдуллоҳ ШАКАРБОЙ ўғли.
суҳбати асосида Нурилла ШАМСИЕВ тайёрлади.

ариғининг сувини ёв босиб келаётган жарликка очиб юборганлар.

Демак, Кайковус ариғи фақат аҳолини сув билан таъмин этмай, ҳатто душман йўлини тўсишга ҳам ёрдам берган. Бундан ташқари Кайковус пастликка тушадиган жойда албатта бир, икки тошли тегирмонлар бўлиб халқ хўжалигига ҳам фойдаси тегарди. Халқимизга XIII-XIV асрдан буён хизмат қилиб келган ана шундай покиза, доим зилол сувли Кайковус ариғи бугун ачинарли, ташландиқ ҳолга тушиб қолган. Тўғри бундан 7-8 йил аввал ариқнинг бошланиши «Бўзсув»дан то Тахтапул кўпригигача бўлган 5-6 км ариқнинг икки томонини бетон қилиб, қирғоғидаги хонадонлар бошқа ерга кўчирилди, лекин нима учундир бу иш давом эттирилмади. Аҳвол оғирлашди. Айниқса, «Чувалачи», «Қумлоқ», «Ҳастимом», «Ёв» ,«Кўштут»,«Чиғатой» каби маҳаллалардан зўрға оқиб ўтаётган сувнинг рангини кўриб тобингиз қочади. Ҳатто қўлингизни ювишга ҳазар қиласиз.

Кайковус ариғи доим тўла оқиб турарди. Нима учундир бу йил сувнинг тўртдан бири ҳам кўринмайди. Сувнинг охири зўрға Чиғатой гузарига етиб келмоқда. Ваҳоланки, унинг оқаваси борадиган жойлардаги экин майдонлари сувни қаердан олади? Бу тўғрида Шайхонтоҳур ва С.Раҳимов туман раҳбарлари нега ўйламайди.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ, «Ибн Сино» маҳалла фахрийлар жамоаси раиси.

Мавзуга қайтиб

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ АСОСИЙ МАҚСАДДИР

Ўтган йили «Ишонч» газетасининг 125-сонида (25 октябрь) «Меҳру оқибат-инсонга зийнат» мақоласи эълон қилиниб, унда Амударё туманидаги тиббий хизмат кўрсатиш масканларида юз бераётган айрим камчиликлар, жамоа аъзолари ўртасида ҳамжиҳатлик пасайгани ҳақида сўз юритилган эди. Ўтган даврда мазкур туманда тиббий хизмат шахобчаларида туб ўзгаришлар бўлгани, айниқса янги шифо масканлари қуриш, хизмат турларини кўпайтириш, ходимлар ўртасида тарбиявий ишларни жонлантириш, шифокорларга зарур ишлаш ва яшаш шароитлари яратишда бурилишлар содир этилгани хусусида қатор хат-хабарлар олинмоқда. Бир сўз билан айтганда, «Ишонч» чиқишларига тўғри муносабатда бўлиб, ишда ижобий ўзгаришлар содир этилганлиги бизни ҳам беҳад мамнун этди. Шунинг учун туман марказий касалхонаси бош врачи Олимбой ҲАЛИМОВ билан суҳбатимиз ҳам шу кўтаринки рухда ўтди.

- Олимбой, маълумки мамлакатимизнинг бугунги жўшқин ҳаётига назар ташлар экансиз, барча соҳаларда, тармоқларда бўлгани каби тиббий хизмат кўрсатишда ҳам туб ислоҳотларнинг амалга оширилаётганининг гувоҳи бўламиз. Дарҳақиқат, Ўзбекистон ҳақиқий мустақилликка эришгач, тиббий соҳага катта эътибор қаратилди. Соҳа ривожига йўналтирилган Президентимизнинг бир неча фармонлари, ҳукуматимизнинг қарорлари эълон қилинди, улар асосида концепциялар ва дастурлар ишлаб чиқилди. Буларнинг барчаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, хизмат кўрсатишнинг янги турларининг ҳуқуқий асосларини яратиб берди. Бу борада экологик вазияти мушкуллашиб бораётган Амударё туманидаги ҳозирги аҳвол қай даражада шулар хусусида тўхталсангиз.

- Амударё - нафақат Қорақалпоғистондаги, балки Хоразм воҳасидаги энг йирик туманлардан бири ҳисобланади. Туркманистон мамлакати ва Хоразм вилояти билан чегарадош катта ҳудудда 140 минг аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг кўп қисми қишлоқларда яшаб, меҳнат қилади. Биз ана шу аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш, яъни соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш билан бирга унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шифохоналар-у, тиббий хизмат кўрсатиш шахобчаларини замонавий диагностика ва даволаш анжомлари билан таъминлаш, соғлиқни сақлашнинг бошланғич бўғинини ривожлантиришни асосий мақсад қилиб қўйганмиз.

Туманда соғлиқни сақлашни 1996-2000 йилгача ривожлантириш давлат дастури ишлаб чиқилди ва туман ҳокимияти, Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланди.

Қисқа муддатда мавжуд 45 та ФАПларнинг моддий-техника базаси тубдан яхшиланди. Улардан 38 таси табиий газ билан таъминланди. 13 таси ялпи таъмирдан чиқарилди.

Жумладан, 50 ўринли Қипчоқ ва Қиличбой қишлоқ участка шифохоналари янги бинога кўчиб ўтди. Шунингдек, 25 ўринли Бердақ шифохонаси, Қипчоқ врачлик амбулаторияси бинолари, «Ўзбекистон» участка шифохонасида янги туғруқхона бўлими қурилиб фойдаланишга топширилди. Манғит шаҳрида замонавий стоматология поликлиникаси ишга туширилганлиги меҳнаткашларга катта қулайликлар туғдирди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ инфратизимини 2000 йилгача ривожлантириш тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида ҳам туманда айтишга арзирли ишлар адо этилди. «Туркманистон» жамоа хўжалигида «Ҳалимбек» қишлоқ врачлик пункти, «Хоразм» хўжалигида Қорақалпоғистонда ягона ҳисобланган замонавий қишлоқ врачлик амбулаторияси, шунингдек Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигида янги замонавий қишлоқ врачлик пункти дастлабки беморларни қабул қила бошлади.

- Янги тиббий хизмат нуқталарини бунёд этишда шу кеча - кундузда олиб борилаётган ишлар ва келгуси режалар қандай?

- Шифокорларимиз мамлакат мустақиллигининг 7 йиллиги байрамини муносиб тарзда нишонлашга пухта ҳозирлик кўришаяпти. Чунки, Ватанимизнинг бош байрами-Мустақиллик кунига Манғит шаҳрида ҳар бири 100 кишига мўлжалланган иккита поликлиника, «Тўлқин» жамоа хўжалиги марказида замонавий қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни бошлайди.

Булардан ташқари 2001-йилга қадар яна учта қишлоқ врачлик пунктлари қурилиши режалаштирилган. Манғит шаҳрида 60 ўринли туғруқхона қуриш учун лойиҳа ҳужжатлари тахт қилиб қўйилди.

Биз юқорида туман Қорақалпоғистондаги энг йирик ва аҳоли зич жойлашган туманлардан бири деб таъкидлаган эдик. Лекин шунга қарамасдан ҳозирга қадар Амударёда санаторий-профилакторий йўқ. Шунинг учун ҳам «Тош-ёп» хўжалигининг энг хушманзара жойларидан бирида қурилаётган санаторий-профилакторийга катта умид боғламоқдамиз.

- Бозор муносабатларига ўтиш бошқа соҳалар сингари соғлиқни сақлаш шаҳобчаларига ҳам ўз таъсирини етказиши табиийдир. Хўш, ана шу янги шароитда қандай ишлар олиб борилмоқда?

- Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг турлари ҳам шунга мослаштирилди. 14 та амбулатория-поликлиника муассасаларида 125 ўринли кундузги стационар ташкил этилди, 6 та шифохонада 119 ўринли беморлар кундузи даволанадиган бўлимлар, 100 ўринли уйга хизмат қиладиган стационарлар ишга туширилди.

Юқори малакали махсус даволаш бўйича марказий шифохонанинг ички касалликлар бўлимида 14 ўринли СКАЛ ташкил қилдик.

Даволаниши узоқ вақтни талаб этмайдиган жарроҳлик касалликлари бўйича туман поликлиникаси қошида «Амбулатория жарроҳлик маркази» очилиб, беморларга намунали хизмат кўрсатилмоқда.

Барча туғруқхоналар она ва бола бирга бўлиши учун мослаштирилди. Туғруқнинг нормал кечиши, она ва боланинг ҳаётини муҳофаза қилиш мақсадида туғруқхоналарда туғруққа тайёрлаш бўлимлари ташкил қилинди. Туғруқдан кейин онанинг саломатлигини тиклаш учун реаблитация бўлимлари мунтазам ишлаб турибди. Экстрагентал касалликлари бўлган оналар туғруқдан кейин 5 кун мобайнида шу бўлимга ўтказилади ва даволаш ишлари изчил давом этади.

Болаларга эса 78 нафар олий маълумотли врачлар хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда невропатология, эндокринолог, психиаторлик, ЛОР, жарроҳлик, ортопед-травматолог, окулист, дермото-венеролог, болалар гинекологи хоналарида юқори малакали мутахассислар намунали хизмат кўрсатаётир. Шунингдек, болаларга интенсив тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида «Болалар реанимацияси» бўлими очилганини ҳам таъкидлаш лозим. Амалга оширилган мазкур тадбирлар натижасида болалар ўлими кескин камайди.

Аҳолига тез ва малакали тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилашда «Тез ёрдам» бўлимига 3 та «Дамас» русумли автомашиналар олингани ҳам муҳим рол ўйнамоқда.

Умуман Амударё тумани соғлиқни сақлаш муассасаларининг 369 нафар олий маълумотли шифокорлари, 1162 ўрта махсус маълумотли ходимлари ишда юз берган камчиликларни бартараф этиш йўлида фидойилик кўрсатиб, бирлик, ишчанликларини алоҳида таъкидлашни хоҳлар эдим. Шубҳасиз, бундан кейинги асосий мақсадимиз ҳам - аҳолига намунали хизмат кўрсатишга қаратилаверади.

Бу борада жамоангизнинг барча аъзоларига омад ёр бўлсин, метинднек мустаҳкам соғлиқ-саломатлик йўлдош бўлсин, деймиз. Умуман мазмунли суҳбат учун ташаккур.

Суҳбатдош: Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

БОҒИ ЭРАМ ПАРЧАСИ

(ёки бир келинг Наманган боғига)

Пойтахтдан ташриф буюрган таниқли шоир дўстимнинг шеърият ихлосмандлари билан учрашуви мароқли ўтди. Бир гуруҳ қаламкашлар кайфиятимиз чоғ ҳолда маданият ва истироҳат боғидаги «Нилуфар» чойхонасида тўхтадик. Оқшом боғда сомон йўлининг акси кўринаётгандек беҳисоб электр чироқлари порлаган. Сал нарида кумуш гулдастадек заррин томчиларини осмонга пуркаётган улкан фаввора саҳни сайр қилувчилар билан гавжум. Чойхона ҳовлисидаги ҳовузда қалқиётган нилуфар гуллари, унинг атрофида «сузаётган» сунъий ғоз, бетиним «кўз қисаётган» рангбаранг митти лампочкалар афсонавий манзара касб этган.

- Боғ эмас, жаннат, боғи эрамнинг бир парчаси-ку,- меҳмон завқланиб деди.- Ҳар куни ишдан кейин бу ерда бир дақиқа тўхташга вақт топилса, бир пиёлагина чой ичсангиз чарчоғингиз тумандек тарқалади.

Шоир дўстимиз ҳақ. Чиндан ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Наманган боғининг таърифи қаёқларга бориб етмаган дейсиз. 20 гектарлик майдоннинг салкам ярмини қоплаган гулзорлар, шахмат тахтаси чизиғидек кесишган йўлкалар, асрлар юзини кўрган осмонўпар чинорлар, манзарали субтропик дарахтлар... Гуллар навининг ўзигина 60 хилдан зиёд бўлиб 15 минг тупдан ортади. Фофур Ғулом қаҳқаҳалари ва Тўйчи Хофиз хонишлари янграган бир гектарлик мовий сувли кўл қирғоғидаги «Бешчинор» ва «Ором» чойхоналари эрта баҳордан қор тушгунча гавжум. Шоир таърифи билан айтганда, асрий чинорлари-ю шарқироқ сойлари, сокин ҳиёбонлари-ю, озода кўчалари билан меҳмонларда унутилмас таассурот қолдирадиган сўлим Наманган олтин узук бўлса, маданият ва истироҳат боғи унга ёқут кўздек ярашган.

Кейинги йилларда боғ тағин ҳам кўркамлашганлиги ва ёшарганлигини, кўкаламзорлашиб ҳусн-таравоти ортганлигини, ҳам Ўзбекистонимизнинг ҳамма бурчакларидан, ҳам хориждан келадиган барча даражадаги меҳмонларни кутиб олишга арзийдиган кўринишга келтирилганлигини таъкидласа арзийди.

Чунончи, машҳур «Бешчинор» чойхонаси жиддий таъмирлашдан сўнг бутунлай ўзгача кўрк очди. Тоғ шаршарасини эслатувчи 8-9 газ баландликдан сув шовуллаб оқиб тушаётган «Шаршара» чойхонасини, шунингдек, мовий кўл ичига қурилган «Шабада» кафеси ва «Музқаймоқ» оролчаси ҳамда бошқа савдо тармоқларини бирлаштирган хизмат кўрсатиш мажмуаси, худди «Шаршара» усулида бунёд этилган «Машинасоз» чойхонасининг об-ҳаёт шабадаси юзларингизни силаб турадиган караватларда улфатлар билан тўпланишиб ҳангома қуришга нима етсин! Бундан 8-10 йил олдин қурилган ва боғ ҳудудининг бир неча жойидан оралаб ўтган шарқироқ сувли бетон ариқ ёзнинг ҳар қанча жазирамаси кучини қирқиб толиққан асабларга ором бағишлайди.

Кўл кўринишини тағин ҳам жозибадор қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Аввало, у тозаланиб қирғоқларига сув ҳайвонлари ва денгиз ўтлари суратлари туширилган плиталар билан безатилганидан ташқари қоқ ўртасига бир неча жойда сувини 50-60 газ баландликкача отадиган фавворалар бунёдчилари салқин иқлим ҳосил қилишлиги билан бирга, кечалари электр чироғи ёғдусида сирли манзаралар яратади ва болаларнинг қувончларига-қувонч қўшмоқда. Кўл чиройини янада ошириш учун боғ маъмурияти бу йил яна бир янгиликка қўл урди. Шу йилнинг 15 апрел куни кўл сувига нилуфар кўчатлари ташланди. Ахир, оқшомга яқин мовий сувларда қалқиб юрган улкан бодроксимон гулларни кўриб қалбингиз завқланишига, нигоҳлар қувонишига нима етсин!

Боғнинг ўзига хос белгисига айланган Маданият Саройининг шу йил баҳор ойларида қайта таъмирланиб бутунлай бошқача кўриниш олганлиги ва Наманганнинг чинакамига «Оқ мармар Саройи»га айланганлигини ҳар қанча фахрланиш билан тилга олса арзийди. Боғнинг қўшни Андижон вилоятига элтувчи йўлга улайдиган шу қисми четига бошдан охир арча кўчатлари ўтказиб чиқилдики, яқин йиллар ичида бу, ушбу тараф кўринишини бутунлай ўзгартириб юборишлиги турган гап. Марказий дўкон томонга ҳайбатли кўринишли ва миллий безакчилик усулларини ўзида акс эттирадиган темир дарвоза қуриш ҳамда унинг олдига шоир ва саркарда Бобур бобомиз ҳайкалини ўрнатиш режаси тузилган. «Шимол ёғдуси» аттракцион ўйини, компьютер ўйинлари, от ўйинлар, улкан чархпалак, умуман, йигирмага яқин механик ва техник ўйингоҳлар кичкинтойлар ихтиёрида. Ёзги театр биносида ва ёзги очиқ концерт ва томошалар майдонида, шунингдек, «Тинчлик майдони»даги очиқ саҳнада вақтивақти билан турли концертлар, таниқли санъаткорларнинг чиқишлари, дискотекалар уюштириб борилади. 10 та чойхона, 30 га яқин савдо шахобчалари ҳам ҳордиқ чиқарувчилар хизматида.

- Жамоамиз боғ шухратига шухрат қўшиш, унинг янада обод ва кўкламзор бўлишига эришиш чораларини кўрмоқда,- дейди суҳбатда боғ бошқарувчиси Ҳамидхон Дадабоев. - Ўтган йил куз ва бу йилги эрта баҳор ойларида мавжуд гулзорларни ёшартирдик ёки уларнинг деярлик 60 фоизини янгиладик. Бунинг учун биринчи навбатда ерларни чуқур шудгорладик ва маҳаллий ўғит билан озиқлантирдик, кўплаб гул ва манзарали дарахт кўчатларини экдик. Бундан ташқари, ишчи-хизматчиларимизни ижтимоий ҳимоялаш ҳамда ободончилик ишларига маблағ тўплаш учун тадбиркорлик ишларига киришдик. Боғимиздаги сара навлардан 200 ёшик гул кўчатлари тайёрлаб сотдик. Бу йўналишдаги ишларимизни бундан кейин авж олдириш кўзда тутилган. Келгуси йилда бу йилдагига қараганда икки баробар маблағ тўплаймиз. Ягона мақсадимиз ва ниятимиз боғимиз халқимизнинг ҳақиқий дам олиш гўшасига айлансин.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тожикистондаги муҳолифат томони ҳарбий кўмондонларидан бири Нозим Юнусов ва унинг бир неча кишиси ўзаро жанжал туфайли ўлдирилган. Кофарниҳоннинг Чашма қишлоғида турган Нозимнинг постига Эшондароз қўшини ҳужум қилиб унга таслим бўлишини талаб қилган. Аммо бу нарса амалга ошмагач, уни ўлдиришган. Воқеа содир бўлган куниёқ, бу ерга борган республика Бош вазирининг ўринбосари Х.Тўражонзода ўзаро низони бостирган. Бўлиб ўтган ушбу воқеа муҳолифат кучлари орасида келишмовчиликлар борлигидан дарак беради.

***

Қирғизистон Конституцион суди навбатдаги бўладиган Президент сайловига Аскар Акаев ўз номзодини учинчи марта қўйишини мумкин деб топди. Парламентнинг ҳозирги депутатларидан бир гуруҳи унинг номзоди фақат икки марта қўйилиши лозимлигини билдирган эдилар. Конституцион суднинг фикрича, аввалги Конституцияда бир шахснинг икки марта Президентликка сайланиши мумкинлиги ҳақидаги модда бўлмаган. Энди сўнгги ўз номзодини қўйиш ёки қўймаслик ҳақидаги сўзни айтиш А.Акаевда қолган.

***

Жанубий-Шарқий Осиёда юз берган иқтисодий таназзул, жаҳон бозорида нефть ва руда-ларнинг нархларининг пасайиб кетганлиги Қозоғистон иқти-содиётига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Май ойининг ўзида республика бюджетига 160 млн. доллар маблағ кам тушган. Президент Н.Назарбоев барча вазирликлар ва ҳокимликларни мумкин қадар тежамкорлик билан иш юритишга чақирган. Штатларни қисқартириш кўзда тутилмоқда.

Қад ростлаётган иншоотлар

ҲАМ ҚУЛАЙЛИК, ҲАМ ГЎЗАЛЛИК

Бугунги кунда шаҳримиз бўйлаб олиб борилаётган қурилиш ишлари ўзига хос услублари билан шаҳар ҳуснига ҳусн бўлиб қўшилмоқда. Уларнинг тез ва сифатли якунланишида шаҳар туманлари ҳокимликларининг ҳам ҳиссаси катта. Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти ташаббуси ва ҳомийлиги туфайли олиб борилаётган кенг кўламли қурилиш ишлари билан танишиб бунга амин бўлдик.

Тошкент шаҳар Улуғбек тумани ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Илҳом Расулов билан суҳбатлашганимизда, бизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

- 2-Черданцев мавзесида жойлашган 360 ўқувчига мўлжалланган 49-мактабнинг қурилиш ишлари 1997 йил апрель ойида бошланганди. Қурилиш бошлангандан бери бу ерда 40 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

1998 йилда бу мактабга 104 млн. сўм маблағ ажратилди, шундан ҳозирги кунгача 31 млн. сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Мактаб таркибида лингофон, информатика, физика, химия ва ўқув кабинетлари мавжуд. Бундан ташқари спорт зали, 360 ўринга мўлжалланган йиғилиш зали, бир пайтда 360 ўқувчи овқатланишига мўлжалланган ошхона мавжуддир.

Мактаб асосан инглиз ва бошқа чет тилларини ўргатишга ихтисослаштирилган.

Ушбу мактабнинг ҳозирги кунда охирги қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Иншоот Ўзбекистон Республикасининг 7 йиллик тўйига тўёна сифатида топшириш режалаштирилган.

Шунингдек, туманда Зелинский кўчасида 250 беморни бир кеча-кундузда қабул қиладиган поликлиниканинг 1996 йил июль ойида қурилиши бошланган. Бу ерда 62 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ушбу поликлиника ҳозирги кун талабларига жавоб бера оладиган хирургия, болалар гинекологияси, физиотерапия, тиш даволаш, педиатрия, диагностика ва бошқа бўлимларга эга. Бу бўлимлар эса хорижда ишлаб чиқарилган медицина аппаратлари билан жиҳозланган. Бу иншоот ҳам мустақиллик айёминнинг 7 йиллигида фойдаланишга топширилади.

Сайрам кўчасидаги «Дўстлик» кинотеатри ёпиқ кўринишдаги бозорга айлантирилиб, қайта таъмирланмоқда. Бу ишлар 1998 йил март ойида бошланган. Ҳозирги кунгача 4 млн. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Бу бозор 90 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда сабзавот, хўл ва қуруқ мевалар, сут, гўшт маҳсулотлари сотиш имкониятлари яратилмоқда. Бинонинг чап ён тарафида тижорат савдо дўконлари қурилмоқда. Бозорнинг ертўласида маҳсулотларни сақлаш учун омборхона ва совутгичлар жойлашган.

Бу ишларнинг ҳаммаси туман ҳокими Мажидов Абдуазим Ҳакимовичнинг ташаббуси ва ҳомийлигида олиб борилмоқда.

Айни кунларда туманда яна бир хайрли иш олиб борилмоқда. Ҳамид Олимжон майдонида «Нур» маҳалла уйи бунёд этилмоқда. Бу маҳалла уйи 400-450 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда маҳалла йиғинлари, тўй-томошалари ўтказилиши мўлжалланган. Шунингдек, унинг таркибида маиший хизмат ишларини амалга оширишга мўлжалланган хоналар мавжуд. Сартарошлик, этикдўзлик, соат тузатишга мўлжалланган хоналар шулар жумласидандир. Маҳалла уйининг ён-атрофлари ободонлигига алоҳида эътибор қаратилиб, ҳовлисига катта фаввора ҳам бунёд этилган.

Шунингдек, туманда август ойларининг бошларида очилиш маросими мўлжалланаётган «Фансити» болалар ўйингоҳида ҳам охирги қурилиш ишлари давом этмоқда. Маъмур Ж.Ғафуров билан биргаликда ўйингоҳдаги ишлар билан танишдик. Бу ерда хориждан келтирилган 100 дан ортиқ ўйингоҳлар мавжуд. Бу ишларни буюртма асосида Туркиянинг «Ай-сель» фирмаси сифатли ҳамда гўзал бир тарзда бунёд этишган.

Туманда қурилиш ишларининг муваффақиятли боришида туман капитал қурилиш бўлими биринчи даражали мутахассиси Баҳодир Поянов, туман капитал қурилиш бўлими бошлиғи Жаҳонгир Болтаевларнинг ҳам хизматлари катта.

Умуман олганда, туманда олиб борилаётган кенг кўламли қурилиш ишлари якунланса, улар албатта туман аҳолиси учун яхши қулайликлар яратибгина қолмай, бу иншоотлар шаҳар ҳуснига ҳусн бўлиб қўшилади.

Алижон РЎЗИБОЕВ.

Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги олдидан

Халқимзда «Кўприк қурган савобга қолади» деган нақл бор. «Самарқандавтойўл» ҳиссадорлик бирлашмасининг кўприк қурилиши бошқармаси жамоаси буни чуқур англаган ҳолда савоб ишга бош қўшдилар. Улар буюк муҳаддис Имом ал-Бухо-рий мақбарасига олиб борадиган йўлда — Зарафшон дарёсининг зар кокили бўлган Оқ дарё устида муҳташам кўприк қурилишини жадал суръатлар билан давом эттирмоқдалар.

Ҳ.ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

Суратда: автокранчи Баҳри Амриев.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган суратлар.



Касаба уюшмалари спорти

Москвада I Бугунжаҳон ўсмирлар ўйинлари давом этмоқда. Беллашувларда мамлакатимиз ўсмирлари ҳам иштирок этишмоқда.

Суратда: ўсмирларимиз беллашув олди мулоқотда.

А.РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

ХОРИЖИЙ ЖИҲОЗЛАР БИЛАН

Жиззахда спорт-соғломлаштириш мажмуи барпо этилди. Ушбу янги спорт иншооти Германиянинг модели асосида яратилди. Модел республикамизда ягона ҳисобланади. Жиззах соғломлаштириш иншооти Франциядан келтирилган жиҳозлар билан жиҳозланди.

Спорт соғломлаштириш мажмуини «Ўзжамоа қурилиш» бирлашмасига қарашли Жиззах жамоа қурилиш трести ва унинг 54-механизациялашган кўчма қурилиш жамламаси жамоаси бунёд этишди. Бош муҳандис Ш. Содиқов ва 54- кўчма қурилиш жамламаси бошлиғи Ш. Комиловнинг айтишича, бу ерда иш икки навбатда ташкил этилди. 250 нафар қурувчи юқори унум билан ишлади. Усмон Абдуллаев бошлиқ бетончилар, Маҳмуд Туропов бошлиқ пардозчилар, Аббос Эшонқулов бошлиқ қурувчилар, Юрий Беседин бошлиқ моторчилар, Илҳом Иномов бошлиқ дурадгорлар бригадалари бириктирилган ишларни аъло даражада уддаладилар. Натижада иншоот гўзал ва чиройли қилиб қурилди.

Спорт иншоотининг асосини ёпиқ сув ҳавзаси ва спорт зали ташкил қилади. Сув ҳавзасининг узунлиги 30 метр, кенглиги 18 метр.

Спорт зали спорт мактаби талабалари учун хизмат қилмоқда.

Унда теннис, волейбол, мини футбол ўйинлари ўйналмоқда. Сув ҳавзасида сув ёзда ҳам, қишда ҳам бир маромда сақланади.

- Спорт-соғломлаштириш марказига туташ бўш ётган майдонда спорт-соғломлаштириш мажмуининг иккинчи навбати қурилади,- дейди вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг биринчи ўринбосари А.Ихтиёров. - Унда 50 метр узунликдаги очиқ сув ҳавзаси, 4 та теннис, 2 та спорт майдончалари, югуриш йўлакчалари, турли спорт ўйинлари ўтадиган алоҳида катта майдон бўлади.

Ҳа, жаҳон андозаларига мос спорт-соғломлаштириш мажмуининг барпо этилганидан жиззахликлар мамнун бўлишди. Янги спорт иншоотида турли спорт мусобақаларини ўтказиш бошлаб юборилди.

Алибой ЭРГАШЕВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Чори ЛАТИПОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 23.00

Буюртма Г— 0182. Нусхаси — 15.368. Масъул нашр: Абдурашид ОТАМЕТОВ 123456